

Якуний назорат учун IELTSнинг ёзма топшириқлари асосида тузилган эссе
мавзулари

1. Айтишларича, китоб барча ўрганганимизни ўзида жам қилмаган. Тажрибадан олинган билим билан китоблардан олинга билимни солиштиринг. Сизнингча, қайси бири мухим? Нимага?
2. Агар сизда имкон бўлганда ўз кичик ватанингизда қайси мухим нарсани ўзгартирган бўлардингиз? Сабабларини кўрсатинг ва мисоллар билан исботланг.
3. Баъзилар университет талабалари ўз ўқув хоналари ва жиҳозларига эътиборли бўлиб, унга масъулият билан ёндашишлари керак деб ўйлашади, баъзилар эса бу талабалар учун шарт эмас деб ҳисоблашади. Қайси фикрга кўшиласиз ва нима учун?
4. Баъзи одамлар мустақил таълим олишни ўқитувчи таълимидан кўра абзал кўришади. Сиз қай бирини маъқул кўрасиз? Алоҳида сабабларини кўрсатган ҳолда эссе ёзинг.
5. Раҳбар қандай мухим хусусиятларга эга бўлиши керак деб ҳисоблайсиз? Бу хусусиятларнинг нима сабабдан мухимлигини мисоллар билан батафсил тушунтириб ёзинг.
6. Ҳукумат йўлларни яхшилаш учун кўпроқ пул сарфлаши керакми ёки жамоат транспорти (автобус, метро)ни яхшилаш учун кўпроқ сарфлаши керакми, нима деб ўйлайсиз? Алоҳида сабабларини кўрсатган ҳолда эссе ёзинг.
7. Сиз турли хил феъл-атворга эга бўлган шахслар билан бирга таълим оласиз. Сизнингча, курсдошингиз қандай мухим фазилатларга эга бўлиши керак деб ўйлайсиз? Нимага айнан мана шу хусусиятларни мухим деб ҳисоблайсиз?
8. Телевидение, матбуот ва бошқа ахборот воситалари машхур шахсларнинг шахсий ҳаётига ўта кўп эътибор қаратади. Ўз мулоҳазаларингизни батафсил баён этинг.
9. Баъзилар бир жойда ишлашни, яшашни, бир хил одамлар билан мулоқот қилишни маъқул деб биладилар. Баъзилар эса тинмай, иш, яшаш ва дўстлар даврасини ўзгартириб туришади. Сиз қай бир ҳолатни афзал кўрасиз? Бу хусусда ўз фикрларингизни мисоллар асосида баён этинг.
10. Ишга қабул қилишда сиз шахснинг қайси жиҳатларига эътибор берган бўлардингиз? Унинг маълумотигами, иш тажрибасигами ёки ишга

chanqoqlik xususiyatigami? Bu xususda yuz fikrlaringizning sababini koursatib, misollarr asosida baen eting.

11. Mamlakat, tijorat va taylim dargoqi. Bu уч йўналиш энг яхши etakchilarni talab қiladi. Shulardan bир йўналишни tanlang va ularning etakchisi қандай muhim xususiyatlarga ega bўliishi kerakligini taъriflang. Жавобингизни misollarr bilan asoslanng.

12. Teknologiyalar ёрдамида bugungi kunda talabalarr kўпроқ va tezroq axborotga ega bўlmokdalarr. Shu fikrga kўshilasizmi ёki йўқми? Bu xususda yuz fikrlaringizni misollarr asosida baen eting.

13. Muammolarr individual tarzda ҳal қilingani maъkulmi ёki guruh bilan ҳal қilinganimi? Bunda nima ga eъtibor қaratiliishi lozim? Жавобингизni misollarr bilan asoslanng.

14. Bugungi kunda inson muvaффaqiyatga erishishi учун қандай қobiliyatlarnga ega bўliishi kerak deb yilaisiz? Bitta қobiliyatni tanlang va buning sababini misollarr bilan tushuntiiring.

15. Ўзига iшонч ўқища ёки iшda muvaффaqiyatga erishiшning asosiy omili xisoblanadi. Bunga қандай қaraisiz? Жавобингизni misollarr bilan asoslanng.

16. Muvaффaqiyatga erishiш учун nima muhim: tuфma қobiliyatmi ёki tiniumsiz mehnatmi? Bu xususda yuz fikrlaringizning sababini kўrsatib, misollarr asosida baen eting.

17. Odamlar yashash exтиёжlarini қoplaш учун pul topish maқsadi da iшlайдilar. Odamlarning iшlashlari учун yana қanday sabablar bўliishi mumkin? Жавобингизni misollarr bilan asoslanng.

18. Muloқotning юзма-юз shakli xat va elektron posta orқali ёзишmalar, telefon orқali muloқot turlariiga қaraganда yahshiroq xisoblanadi. Bu xususda yuz fikrlaringizning sababini kўrsatib, misollarr asosida baen eting.

19. Baъzi odamlar muvaффaqiyat tavakkallik ёki imkoniyat tuфayli keladi deb yilaidilar, baъzilar esa muvaффaqiyat puxta режалаштиришning natijasi deb biladilar. Sizning fikringizcha, muvaффaqiyatga қanday erishiladi? Жавобингизni misollarr bilan asoslanng.

20. Ўқituvchiga talabанинг ўзлаштириш kўrsatkiчiga қarab maosh tўlaniши tўғri deb yilaisizmi? Yuz fikr-muloқazalaringizni misollarr bilan asoslab ёzing.

21. Сизнинг фикрингизча, шахс ҳаётда муваффақиятга эришиши учун қандай хусусиятларга (тўғрилик, зиёлилик ва ҳазилга мойиллик) эга бўлиши лозим? Жавобингизни асослаш учун мисоллар келтиринг ва сабабларини тушуниринг. Жавобингизни ёритишда қолип гаплардан қочиб, фикрингизни кенгроқ баён этишга ҳаракат қилинг.
22. Университет талабалари кўп ҳолларда яшаш учун жойни ўзлари танлашади. Улар университет талабаларининг турар жойини ёки ижара хонадонларни танлашлари мумкин. Талабалар турар жойида яшаш билан ижара хонадонларда яшашининг афзалликларини таққосланг. Сиз қаерда яшаши афзал кўрган бўлардингиз? Жавобингизни мисоллар билан асосланг.
23. Баъзи одамлар ҳаётни ўрганишнинг энг яхши йўли оила аъзолари ва дўстларнинг тажрибалари ҳақида эшитиш орқали эканлигига ишонадилар, баъзилар эса ҳаётни ўрганишнинг энг яхши йўли шахсий тажриба эканлигига ишонадилар. Бу иккала йўлнинг афзаллик ва камчиликларини солиширинг. Жавобингизни мисоллар билан асосланг.
24. Баъзилар болалар таълимини жуда эрта бошлаш ва мажбурий мактаб таълимига кўпроқ вақт ажратиши керак деб ўйлайдилар. Баъзилар эса ёш болалар кўпроқ ўйнашлари керак деб ҳисоблайдилар. Ушбу иккала қарашни солишириб кўринг. Қайси бирини тўғри деб ўйлайсиз? Нимага?
25. Одамлар турли хил йўллар билан ўрганадилар. Баъзи одамлар бирон нарсани қилиш, ясаш, амалда қўллаш орқали ўргансалар, баъзилар ўша нарса ҳақида ўқиб ўрганадилар, яна баъзилар одамларнинг шу нарса ҳақидаги гапларини эшитиб ўрганадилар. Сиз учун ўрганишнинг қайси йўли маъқулроқ? Жавобингизни мисоллар билан асосланг.
26. Баъзи одамлар бошқа шахснинг характеристига ўзларидаги биринчи таассуротга қараб баҳо берадилар. Яна баъзилар эса бошқа шахсниг характеристига бундай тез баҳо бера олмайдилар, чунки биринчи таассурот кўпинча нотўғри бўлади деб ҳисоблайдилар. Сиз қай бир фикрга қўшиласиз? Жавобингизни мисоллар билан асосланг.
27. Келажакда талабалар компьютер ёки телевидение каби технологиялардан фойдаланган ҳолда уйда таълим олишни ёки анъанавий тарзда таълим даргоҳларида ўқишни ўзлари танлаш имконига эга бўладилар. Сиз қай бирини танлаган бўлардингиз ва нимага?
28. Баъзи одамлар талабаларга бир йилда бир марта узоқ таътил берилиши керак деб ўйлайдилар, баъзилар эса талабаларга йил давомида бир неча қисқа таътиллар берилиши керак деб ҳисоблайдилар. Сиз қайси нуқтаи назарга қўшиласиз? Жавобингизни мисоллар билан асосланг.

29. Йигирманчи аср буюк ўзгаришлар асри бўлган. Йигирманчи асрнинг қайси буюк ўзгариши сизнинг ёдингизда қолган ва нимага? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

30. Сиз маҳаллангиздаги аҳоли билан қўни-қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш учун ҳар ой вақтингизнинг бир неча соатини ажратишга қарор қилдингиз. Мулоқотни яхшилаш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

31. Кундан қунга бизнинг компьютер технологияларига қарамлигимиз ортиб бормоқда. Бизнесда ҳам, касалхоналарда ҳам, жиноий ишларни очишда ҳам компьютер технологияларидан унумли фойдаланмоқдамиз.

Келгусида бу нимага олиб келиши мумкин? Компьютерга қарамликка ижобий қарашиб мумкинми? Ёки комьютернинг имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланиш керакми, нима деб ўйлайсиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

32. Тамаки чекувчилар ўз соғлиқларига зарар етказишлари мумкинлигини яхши биладилар. Унинг оқибатларини яхши тушунган ҳолда ўзлари тамака чекишига қарор қиласилар. Шунинг учун чекувчилар чекищдан воз кечганларга қараганда даволанишга кўпроқ пул сарфлайдилар.

Бу фикрга қанчалик қўшиласиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

33. Кўпчилик фантаст-ёзувчилар ёзган асарларидан ҳаётлари учун етарли даромад ололмайдилар. Ҳукумат яхши бадиий асарлар яратилиши учун уларга молиявий ёрдам бериб туриши керак деб ўйлайсизми?

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

34. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни охирги 20 йил ичидаги сезиларли даражада ўзгарди. Бугунги кунда тўқнаш келаётганимиз кўпгина муаммолар, хусусан, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ортишига аёлларнинг ишхонада банд бўлишлари сабаб фарзанд тарбиясига вақт ажратадолмаётганилиги кўрсатиб ўтилади.

Бу фикрга қанчалик қўшиласиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

35. Ота-она – энг яхши устоз ва мураббий. Бу фикрни қанчалик тўғри деб ўйлайсиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

36. Футбол бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа спорт ўйинлари каби оммабоп ҳодисалар халқаро вазиятларни юмшатиш, ватанпарварлик туйғуларининг хавфсиз ифодаланиши учун зарур ҳисобланади. Бу ҳақда сиз

нима деб ўйлайсиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

37. Баъзилар бўш вақтда ақлий қобилиятни яхшилайдиган китоб ўқиш ёки бошқотирмалар ечиш керак деб ўйлайдилар, баъзилар эса бўш вақтда миядам олиши керак деб хисоблайдилар.

Бу ҳакда сиз нима деб ўйлайсиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

38. Ҳозирги кунга келиб инсоният ярим асрдан ортиқ вақт ядро технологиялари даврида яшаб келмоқда. Дастлаб атом бомбасининг кашф қилиниши ҳукуматга Ер сайёрамизни йўқ қилиш учун имконият берди. Бугун мазкур технологиялардан ижобий мақсадларда, яъни тиббиётнинг баъзи соҳаларида ва энергетика манбалари сифатида фойдаланилмоқда. Ядро технологиялари Ер сайёрамиз учун қандай хавф туғдиради? Ундан фойдаланишнинг қандай фойда ва заарлари мавжуд?

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.

39. Бугун дунё миқёсида аҳолининг ўсиш даражаси кескин ортиб бормоқда. Бу нафақат ривожланмаган мамлакатларда, балки ривожланган, саноати юқори мамлакатларда ҳам камбағаллик ошиб бориши муаммосини келтириб чиқармокда.

Мазкур муаммо юзага келишининг баъзи сабабларини тавсифланг ҳамда муаммонинг ечимини (ҳеч бўлмаганда битта ечим) топишга ҳаракат қилиб кўринг.

40. Тартибсиз ўкувчилар бошқаларга салбий таъсир кўрсатадилар. Қоидаларга амал қилмайдиган ва гапга кирмайдиган талабалар бир гурухга бирлаштирилиб, уларга алоҳида дарс ўтилиши керак.

Бу фикрга қўшиласизми? Ўз фикр-мулоҳазаларингизни мисоллар билан асослаб ёзинг.